

Дарсни олиб бориш технологияси

Ўқувчилар сони: 21	Вақти: 2 соат
Машгулот шакли	Янги мавзунини ўқиш
Маъруза режаси	1. Қўнғирот сулоласининг ҳокимият тепасига келиши 2. Хива хонлигининг ижтимоий ҳаёти 3. Ер эгаллиги 4. Солиқ ва мажбуриятлар 5. Хива хонлиги шаҳарлари. Хива. 6. Кўҳна ва янги Урганч
Машгулотнинг мақсади: Таълимий вазифа: Хива хонлигининг XVIII-XIX асрлардаги сиёсий тузуми ва давлат бошқарувида хонликнинг ижтимоий тизими, маъмурий тузилиши (бекликлар), сарой амалдорлари, марказий ва маҳаллий бошқарувнинг поғоналари, суд ишлари, хонликдаги мансаб ва унвонлар (ҳарбий-маъмурий, ҳарбий ва диний) ҳақида маълумот бериш. Тарбиявий вазифа: XIX аср Хива хонлигидаги сиёсий парокандалик орқали халқнинг аҳволини, мустамлакачиликнинг ўзига хос томонларини таҳлил қилиш орқали эса ёшларда Ватанга муҳаббат, миллий ғоя каби хис туйғуларини шакллантириш, юртга садоқат, хизмат қилиш руҳида тарбиялаш Ривожлантирувчи вазифа: Мавзуга доир тарихий манба, илмий, илмий-оммабоп мазмун билан мавзу матнини бойитиш ва мавзунини жаҳон тарихи, хусусан Россия тарихи билан боғлаб мавзунинг сабаб ва моҳиятини таҳлил этишмоҳиятини тушунириш	
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари:
1. Хива хонлигининг XVIII-XIX асрлардаги сиёсий воқеалари, Саид Муҳаммад Раҳимхон II давридаги хонликнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий аҳволи, Хонликнинг Россияга қарам бўлиб қолиши, ички ва ташқи савдо масалаларининг ҳал этилиши, маданий ҳаётнинг йўлга қўйилиши, мустамлакачиликнинг ўзига хос белгилари ёритиб берилди. Унинг оқибатларини баён этиш;	1. Хива хонлигининг XVIII-XIX асрлардаги сиёсий воқеалари, Саид Муҳаммад Раҳимхон II давридаги хонликнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий аҳволи, Хонликнинг Россияга қарам бўлиб қолиши, ички ва ташқи савдо масалаларининг ҳал этилиши, маданий ҳаётнинг йўлга қўйилиши, мустамлакачиликнинг ўзига хос белгилари ёритиб берилди. Унинг оқибатларини тушуниб олади.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор
Ўқитиш шакллари	Жамоа ва гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган синф
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Дарснинг технологик картаси

Иш жараёни ари вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	ўқитувчи	ўқувчи
I-босқич. Мавзуга кириш (30 минут)	1.1. Уйга вазифаси бўйича машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради. Таълим жараёни «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (1-илова).	Тинглайдилар.
	1.2. Ҳар бир ўқувчига мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади. (2-илова)	Тинглайдилар. Ўқув материални ёзиб оладилар, жавоб берадилар.
	1.3. Уй вазифаси бўйича “Муаммоли таълим” технологиясига кўра ўқувчиларга топшириқ беради. (3-илова)	Ёзиб оладилар, саволларга жавоб берадилар.
II-босқич. Асосий (40минут)	2.1. Янги ўқув машғулотининг биринчи саволи бўйича маъруза қилади. Визуал материаллар орқали тушунтиради. 2.2. Ўқитувчи ўқувчилар – Қўнғирот сулоласининг Хива давлатининг бошқарув ўрнидаги аҳамиятини тушунтиради. Мамлакатдаги ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг моҳиятини таҳлил этади. 2.2. Ўқувчиларни мулоҳазага тортиш мақсадида уларга “тушунчалар таҳлили” бўйича таянч тушунча ва атамаларни аниқлайди: (8 – илова) 2.3. “Муаммоли таълим” технологияга кўра куйидаги вазифалар берилади. 1. Қўнғиротлар сулоласи қай тариха ҳокимиятни қўлга олган? 2. Хива хонлигининг жаҳон тараққиётидан деярли узилиб қолганлигининг сабаби нимада эди? 3. Хива хонлигида ер эгалиги шакллари қайд этинг. 4. Хонликдаги ер эгалиги Бухоро ва Қўқон хонлигидаги ер эгалигидан қайси жиҳатдан фарқ қилади? 5. Меҳнаткаш халқ оммаси бўйнига оғир сиртмоқ бўлиб тушган асосий солиқ ва мажбуриятларни дафтарингизга қайд этинг. 6. Самарқанд, Хива ва Бухоронинг 2500 йиллиги ЮНЕСКО қарори билан нишонланганлиги ниманинг эътибори деб ўйлайсиз? 7. Хива шаҳри тарихи ҳақида гапириб беринг. 8. Хива шаҳри ҳақида вақтли матбуот материалларини тўпланг.	Тинглайдилар. Ёзиб оладилар. Дарсликдан ташқари қўшимча маълумотларни ҳужжатларни ўрганади ва Хива хонлигининг ижтимоий ҳаёти. ер эгалиги, солиқ ва мажбуриятлар, Хива хонлиги шаҳарлари, Хива, Қўҳна ва янги Урганч ҳақида маълумотларга эга бўладилар.
	2.4. Таянч иборалар мустаҳкамланади. Ўқувчилар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол ўқувчиларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради, якунловчи хулоса қилади	Фикрларини билдирадилар.
	3.2. Ўқувчиларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитадилар.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун	Эшитадилар ва ёзиб

минут)	топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	оладилар
--------	--	----------

1-Илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

2-Илова Ўтилган мавзунини мустақамлаш учун топшириқ “Тушунчалар таҳлили” – технологияси ёрдамида таянч сўз ва иборалар билан ишлаш

«ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тушунчалар	Мазмуни
амлок	Давлат ерлари
алғут	бир йўла тўланадиган солиқ
милтиқ пули	курол сотиб олиш учун аҳолидан йиғиладиган жарима
улоқ тутув	аҳолининг қўлидаги отлар ва туяларни сафарбар этиш
қўналға	элчилар ва амалдорларга кўчиб ўтиш учун жой бериш
сўйсун	қўналға чоғида амалдорни меҳмон қилиш учун мол сўйиш
чопар пули	солиқ йиғиш хабарини етказувчилар учун ҳақ тўлаш
тарозуёна	тарозибонга тўлов ҳақи
бегар	12 кунлик давлат мажбурияти
қазу	каналларни тозалаш
ички ва обхўра қазу	каналлар сув тозалағичини тозалаш
хачи	химоя дамбалари қуриш ва уларни мустақамлашда қатнашиш мажбурияти
отланув	12 кунлик давлат мажбурияти

Дарс тури – янги мавзуни ўтиш дарси

Дарс жиҳозлари:

1. Марказий Осиёнинг XVIII - XIX асрдаги сиёсий харитаси.
2. Маркер, ватман, скотч.
3. Адабиётлар

Дарснинг хронологик режаси:

Тартиб рақами	Дарснинг босқичлари	вақт
1.	Ташкилий қисм	5 минут
2.	Ўтилган дарсни такрорлаш. Кичик гуруҳларда ишлаш.	10 минут
3.	Ўтилган мавзуга якуний хулоса яшаш	5 минут
4.	Янги мавзуни ўтиш. Ақлий ҳужум	15 минут
5.	Янги мавзуни мустаҳкамлаш. «Муаммоли таълим»	5 минут
6.	Дарсни якунлаш. Уйга вазифа	5 минут

Янги мавзу: XVIII аср охири -XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги Режа

1. Қўнғирот сулоласининг ҳокимият тепасига келиши
2. Хива хонлигининг ижтимоий ҳаёти
3. Ер эгалиги
4. Солиқ ва мажбуриятлар
5. Хива хонлиги шаҳарлари. Хива.
6. Кўҳна ва янги Урганч

Мавзу баёни.

Қўнғирот сулоласининг ҳокимият тепасига келиши. Хива хонлигидаги бошбошдоқликлар, ўзаро тўхтовсиз ички урушларга кимдир чек қўйиши тарихий заруриятга айланди. Чунки, хонликнинг иқтисодий аҳволи аввало сиёсий тарқоқликдан, ўзаро ички урушлардан, айти пайтда чет эл босқини оқибатларидан катта зарар кўрмоқда эди.

Иккинчидан халқ ўзининг беомон таланиши, тинимсиз урушлар туфайли хонавайрон бўлиши оқибатида теваарак –атрофдаги юртларга қочиб кетиб жон сақлагашга мажбур бўлган эди. Натижада, кўплаб ерлар ташландиқ ҳолатга тушиб қолди.

Бу омиллар ўз навбатида зодагонларнинг ўзаро урушлари ва қабилалар можароларни тўхтатишга қодир бўлган кучли марказий ҳокимиятнинг барпо этилишини тақозо этар эди. Бундай ҳокимият барпо этишга қодир куч

сифатида майдонга ўзбекларнинг қўнғирот қабиласи чиқди. Бу заруриятнинг натижаси ўлароқ, XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб Хива хонлигида ҳокимиятни қўнғирот қабиласи бошлиқлари аста-секин ўз қўлларига ола бошладилар. Йирик зодагонлар ва руҳонийларнинг мададига таянган қўнғирот қабиласининг йўлбошчиси Муҳаммад Амин инок 1770 –йилда хонликда туркманларнинг қаршилигини синдириб мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатди. 1770-йилдан бошлаб Хива хонлигида ҳокимият амалда Хива қўнғиротлари қўлига ўтди. 1782-йилда эса Бухоро хони қўшинлари ҳужумини даф этди.

Муҳаммад Амин инок мустақил бекларни ҳам бўйсундирганидан кейин Хива хонлигида иқтисодий ҳаёт бир қадар жонлана бошлади. Ўзга юртларга қочиб кетган аҳоли аста-секин қайтиб кела бошлади.

Лекин, Муҳаммад Амин ҳам, унинг ўғли Аваз (1790-1804) ҳам ҳалиям инок унвонига четдан: чингизий қозоқлардан чақирилган хонлар (улар сохта хонлар эдилар, бутун ҳокимият иноклар қўлида эди) номидан ҳокимиятни бошқарганлар. Фақатгина Муҳаммад Амин инокнинг набираси Элтузар (1804-1806) 1804 –йилда четдан чақирилган сохта хон Абулғозини тахтдан тушириб, ўзига хон унвонини қабул қилди. Шундай қилиб, қўнғирот қабиласи Хива хонлиги тахтини 1804-йилда расман ҳам эгаллади.

Элтузар 1806-йилда Бухорога қарши уруш чоғида ҳалок бўлади. Унинг ўрнига хон этиб кўтарилган иниси Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) 1811-йили оролликларни таслим бўлишга мажбур қилди. 1822-йили эса Марв устидан ҳукмронлигини ўрнатди.

Хива хонлиги ҳудудлари Муҳаммад Раҳимхон ўғли Оллоҳқулихон (1825-1842) ҳукмронлиги даврида анча кенгайди. Унинг сарҳадлари Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган жойидан Туркменистон ҳудудидаги Кушкагача бўлган ерларни ўз ичига олар эди.

Хива хонлигининг ижтимоий ҳаёти. Бу даврда хонлиkning 800 мингга яқин аҳолиси бўлиб, уларнинг 65 фоизини ўзбеклар, 26 фоизини туркманлар, қолган қисмини эса қорақалпоқ ва қозоқлар ташкил этарди. Аҳолининг кўпчилигини ташкил этган ўзбеклар қабила-қабила, уруғ-уруғ бўлиб

хонликнинг шимолий қисмида асосан Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларда истиқомат қилардилар.

Хива хонлиги – Питнак, Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Қўшқўпир, Ғазоват, Қиёт, Шоҳаббоз, Тошховуз, Амбар-Манок, Гурлан, Кўхна Урганч, Хўжайли, шуманай ва Қўнғирот деб аталувчи 15 вилоятга, Бешариқ ва Қиёт-Қўнғирот деб аталувчи иккита ноибликка, шунингдек, хоннинг бевосита ўзига қарам бўлган туманларга бўлинган эди.

Олий ҳокимиятни хон амалга оширарди. Иноқ, оталиқ ва бий каби унвонларга эга бўлган юқори мартабали амалдорлар хонлик ҳаётида жуда катта таъсир кучига эга эдилар. Давлат ҳаётига оид масалаларни ҳал этиш мақсадида Муҳаммад Раҳимхон 1 даврида нуфузли амалдорлардан иборат девон, яъни давлат кенгаши тузилган эди.

Суд ишлари шариатга асосланган бўлиб, уни юритиш руҳонийлар қўлида эди. Давлат тили ўзбек тили ҳисобланарди.

Хива хонлигининг ижтимоий ҳаётида Ўрта Осиёнинг бошқа икки давлатидагидек сокинлик ҳукм сураб эди. Бу сокинлик хонликнинг жаҳон тараққиётидан деярли узилиб қолганлиги билан боғлиқ эди. Мамлакатда сиёсий тарқоқлик ҳукм сураётган, натурал хўжалик устун бўлган, тўхтовсиз давом этган ўзаро ички урушлар ҳамда ташқи ҳужумлар оқибатида мамлакат иқтисоди издан чиққан бир шароитда ижтимоий ҳаёт бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Ҳукмдорлар давлат, миллат тақдиридан кўра ўзларининг шахсий мафлаҳларини стун кўяб эди.

Ер эғалиги. Хонликнинг асосий бойлиги ер ҳисобланарди. Бу ерлар суғориладиган (*ахья*) ва суғорилмайдиган ерлардан иборат эди.

1. Давлат ерлари (амлок)
2. Шахсий мулк (хусусий ерлар)
3. Вақф ерлари

Айни пайтда, Хива хонлигида ер эғалиги Бухоро ва Қўқон хонлигидаги ер эғалигидан фарқ қиларди. Хусусан, хон ва унинг қариндошлари барча ерларнинг деярли ярмига эғалик қилишган. Қолган ерлар давлат ихтиёрига олинган (вақф ерлардан ташқари). Давлат ерларида ижарачи деҳқонлар меҳнат қилганлар.

Хон ва бошқа хусусий мулк ерларида деҳқончилик қилувчилар **яримчилар** деб аталар эди. Бундай деб аталишига уларнинг етиштирган ҳосилнинг ярмини ижара ҳақи учун берганликлари сабаб бўлган.

Хоннинг қариндошлари ўз хусусий ерларидан давлат га солиқ тўламас эдилар. Давлат солиқларидан руҳонийлар, катта амалдорлар, тархон ёрлиғи олганлар ҳам озод этилган эдилар.

Майда ер эгалари тобора хонавайрон бўлиб борганлар. Охир оқибатда улар ерларидан жудо бўлганлар.

Хива хонлиги аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланар эди. Қишлоқ хўжалигининг асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил етарди.

Хонликда деҳқончилик қилиш жуда мушкул шароитларда олиб бориладди. Чунки, ерлар Амударёдан чиқарилган катта каналлар орқали суғориладди. Жойларда эса экинларни суғориш иш хайвонлари кучи билан чиғирлар ёрдамида амалга ошириладди. XVI аср охири - XVII аср бошларида Амударё ўзанининг ўзгариши, дарё аввалги йўналишининг қуриб бориши хонликда ички сиёсий аҳвол қанчалик оғир бўлмасин ҳукмдорларни ирригация ишларига эътибор беришга мажбур этган Алихон даврида (1538-1547) Янгиариқ, Тошли, ёрмиш арналари қурилган. Араб Муҳаммадхон (1602-1621) замонида Тўқ қалъаси ёнидан канал қазилган. 1681-йилда Шохобод арнаси ишга туширилди.

XVIII асрнинг 70-йилларида Даркор кўлига қуёиладиган ирмоқларга тўғонлар қурилди.

XIII аср бошларида Амударё Лавзан ариғи чиқарилган ва у кейинчалик катта каналга айлантирилган. Бу каналдан Парсу, Хўжайлива Кўҳна Урганч оралиғидаги ерлар суғорилган. 1815-йилда Лавзан кўлидан ариқ қазилиб, Кўҳна Урганч суғорилди. 1846-йилда Амударёнинг эски ўзанига тўғон қурилиб, у ердан чиққан сув билан Кўҳна Урганчнинг жанубий ерларини, катта Хонобод канали қазилиши билан эса Вазир атрофидаги, Гандум қалъа ва Ваз дарасидаги ерларни суғориш мумкин бўлди.

Солиқ ва мажбуриятлар. Хива хонлигида ҳам солиқ ва мажбуриятлар ҳаддан ташқари кўп бўлган. Асосий солиқ *салгум* – ер солиғи эди. Бундан ташқари, *алгум* – бир йўла тўланадиган солиқ, *милтиқ нули* – қурол сотиб

олиш учун аҳолидан йиғиладиган жарима, *арава олув* (аҳолининг қўлидаги араваларни давлат ишларига сафарбар этиш), *улоқ тутув* (аҳолининг қўлидаги отлар ва туяларни сафарбар этиш), *қўналға* (элчилар ва амалдорларга кўчиб ўтиш учун жой бериш), *сўйсин* (қўналға чоғида амалдорни меҳмон қилиш учун мол сўйиш), *чопар пули* (солиқ йиғиш хабарини етказувчилар учун ҳақ тўлаш), *тарозиёна* (тарозибонга тўлов ҳақи), *миробона* (мироб учун йиғим), *дарвозабон пули* (юкни ўтказганлик учун шаҳар дарвозаси қоровулига тўланадиган ҳақ) маҳаллий ҳукмдорларга ҳақ тўлаш, *қоровулга ҳақ тўлаш*, *пул солигини қабул қилаётганда хазиначига ҳақ тўлаш*, *қўриқбонга* (ўрмон ёки яйлов назоратчисига) ҳақ тўлаш, *мушрифона* (ҳосилни текширувчи ва унинг миқдорини аниқловчи амалдорга ҳақ тўлаш), *афанақ пули* (бегар мажбуриятларини ўташ ҳақида хабар берганлик учун тўланадиган ҳақ), *чибик пули* (оммавий ишларда қатнашувдн озод этилгани учун тўланадиган ҳақ), руҳонийларга тўланадиган ҳақ.

Кўриниб турибдики, меҳнаткаш халқ **18 та солиқ** ва жарима тўлаган. Бу солиқ ва тўловлар оддий меҳнаткаш елкасига оғир юк бўлиб тушар эди.

Бундан ташқари, меҳнаткаш халқ тинкасини қуритувчи куйидаги бир қанча **мажбуриятларни** ҳам ўтар эдилар:

1) **Бегар** – расман 12 куник давлат мажбурияти; унга кўра, қишлоқнинг ҳар бир хонадонидан бир кишидан одамларни тўплашарди. Улар ҳар йили турли қурилиш ишларида, канал қазишда, йўлларни тузатишда, хон саройлари қурилишларида ишлар эдилар. Бегарниг муддати 12 кун деб белгиланган бўлса-да, аслида у 1 ой, ундан ҳам кўпга чўзилар эди.

2) **Қазу** – бу бутун қишлоқ аҳолисини катта ва кичик каналларнинг бир қисмини тозалашга сафарбар этиш мажбурияти.

3) **Ички ва обхўра қазу** – ҳар йили каналларнинг сув тақсимлагичини тозалаш мажбурияти.

4) **Ҳачи** – ҳимоя дамбалари қуриш ва уларни мустаҳкамлашда қатнашиш мажбурияти

5) **Отланув** – хон овида қатнашиш учун лашкарликка келиш.

Суғориш тизими билан боғлиқ мажбуриятлар оддий меҳнаткаш халқ елкасидаги оғир юк эди. Чунки, бу мажбуриятларнинг барчаси қўлда кетмон билан бажарилар, тупроқлар эса замбилда ташилар ёки елкада кўтариб чиқилар эди. Сув чиқариш ва ҳимоя тўғонлари тупроқ, ёғочдан қурилар эдики, кўпинча улар сувнинг босимига бардош беролмас эди. Ана шундай пайтларда улар қайтадан қуриларди. Босимга бардош берганлари эса бир йилдан ортиққа чидамас эди. Келаси йили уларни қайта қуриш керак бўларди.

меҳнаткаш халқнинг бунингсиз ҳам оғир қисматини ўзаро ички урушлар, вайроналик келтирувчи ташқи ҳужумлар баттар оғирлаштирган эди.

Хонликда очарчилик ҳам бўлиб турарди. Натижада, кўнғирот сулоласи ҳокиият тепасига келиши арафасида хонлик аҳолиси қўшни мамлакатларга кўчиб кетишига мажбур бўла бошлаган иди. Масалан, Хиванинг ўзида 40 га яқин оила қолган эди, холос.

Хива хонлиги шаҳарлари. Хива. Хонликнинг энг йирик шаҳарларидан бири Хива эди. У

XVII аср бошларидан то 1920-йилгача Хива хонлигининг пойтахти бўлган. Хива шаҳри қадимда *Хеввақ* деб аталган.

Хиванинг машҳурлиги у бунёд этилган даврлариданок Шарқ билан Ғарбни боғловчи савдо йўли ўтганлиги билан изоҳланади.

Эрамизнинг IV асри бошларида Хива Хоразм давлати таркибига кирган.

XVII аср бошларида Амударё ўзани ўзгариши оқибатида хонлик пойтахти Урганчда аҳоли яшаши учун ноқулай вазият вужудга келгач, хонлик пойтахти Хива шаҳрига кўчирилган.

XVIII аср ўрталарида Эрон шоҳи Нодиршоҳ қўшинлари, кейинчалик туркманларнинг ёвмут қабиласи ҳужуми оқибатида шаҳар вайрон қилинган эди.

Хива хони Муҳаммад Амин инок ҳукмдорлиги даврида (1770-1790) туркманларнинг ёвмут қабиласи қўшинлари тор-мор этилган ва Хива шаҳри қайта тикланган.

XIX аср ўрталарида Хива хони Оллоҳқулихон (1825-1842) даврида шаҳар атрофи яна мустаҳкам девор билан ўралган. Деворнинг узунлиги 6 км. бўлган. Хива шаҳрининг меъморий қиёфасига XVIII аср охиридан бошлаб асос солина бошлаган ва бу иш XX асрнинг бошларигача давом этган.

Шаҳар меъморий ансамбли яхлитлиги жиҳатдан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ансамблининг ичида дастлаб Ичан қалъа (ички қалъа - шаҳристон) бунёд этилган. Ичанқалъада – хон саройи, аслзодалар яшайдиган маскан, мақбара, мадраса, масжидлар жойлашган. Ичан қалъанинг умумий майдони 26 гектар. Деворнинг узунлиги 22000 метр.

Ичан қалъада ўзаро кўндалангига кесиладиган иккита катта кўча ўтган. Бу кўчаларда тўртта дарвоза қурилган. Бу дарвозалардан Дишан қалъага чиқилади. Дишан қалъада эса ҳунарманд, косиблар, савдогарлар яшашган ва уларнинг расталари жойлашган. Дишан қалъанинг узунлиги 6250 метр бўлиб, унинг ўнта дарвозаси бўлган.

Хива шаҳрида сақланган меъморий ёдгорлик Сайид Аловуддин мақбарасидир. Бу мақбара XIV асрда қурилган эди. Шунингдек, Хивада кўҳна арк, масжиди жомъе, Оқ масжид, Уч авлиё мақбараси, Шерғозихон мақбараси, Оллоҳқулихон карвонсаройи, Қутлуғ Мурод иноқ мадрасаси, Муҳаммад Амин иноқ мадрасаси, Оллоҳқулихон бунёд эттирган 163 хонадан иборат Тошховли саройи ва бошқалар муҳим тарихий меъморчилик ёдгорликлари бўлиб, улар хивалик ўз касбининг ажойиб усталари – наққошлар, тошганч, ёғоч ўймакорлигининг маҳоратини кўз-кўз қилиб туради.

Буларнинг бари XVIII аср охири - XIX аср бошларида Ўрта Осиёда меъморчилик санъатининг қайта тикланганлигидан, бу борада айниқса Хива хонлиги меъморлари донг таратганлигидан далолат беради.

Хива нафақат Ўрта Осиёда айни пайтда дунёда ҳам машҳур шаҳар. Бунинг исботи -1997-йилда ЮНЕСКО қарори билан шу шаҳар 2500 йиллиги нишонланганидир.

Бугунги авлод ўз ота-боболарининг маданий мерослари билан ҳақли равишдафаҳрланадилар. Хива хонлигининг яна бир йирик шаҳари – Кўҳна

Урганчдир. Бу шаҳарга асос солинганига 2000 йилдан ошди. Шаҳар муҳим карвон йўллари кесишган ерда жойлашганлиги учун ҳам тез ривожланган.

Кўҳна ва Янги Урганч. Кўҳна Урганч (ҳозирги Туркманистон ҳудудида) X-XIII асрларда Хоразм давлатининг пойтахти бўлган. 1221-йилда шаҳарни Чингизхон қўшинлари вайрон этиб, уни сувга бостирган эдилар.

XVII асрга келганда Амударё ўзани ўзгаргач, Абулғозихон Янги Урганч шаҳрига асос солган эди. Шундан кейин қадимги шаҳарнинг исми Кўҳна Урганчда XIII-XIV асрнинг ёдгорликларидан Фахриддин Розий, Султон Такаш, Нажмиддин Кубро мақбаралари, жомъе масжиди, минораси ҳамда карвонсарой қолдиқлари ҳозиргача сақланган.

Янги мавзунини мустаҳкамлаш, ҳулосалаш.

Ақлий ҳужум” – методига кўра мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар мазмунини таҳлил этиш доскада ялпи сўров сифатида амалга оширади.

Хива хонлигидаги ер эгалиги

амлок (Давлат ерлари)

шахсий ерлар

вақф ерлари

мулк ерлари

Солиқлар

алғут (бир йўла тўланадиган солиқ)

милтиқ пули (қурол сотиб олиш учун аҳолидан йиғиладиган жарима)

улоқ тутув (аҳолининг қўлидаги отлар ва туяларни сафарбар этиш)

қўналға (элчилар ва амалдорларга кўчиб ўтиш учун жой бериш)

сўйсун (қўналға чоғида амалдорни меҳмон қилиш учун мол сўйиш)

чопар пули (солиқ йиғиш хабарини етказувчилар учун ҳақ тўлаш)

тарозуёна (тарозибонга тўлов ҳақи)

хирож

закот

Мажбуриятлар

бегар (12 кунлик давлат мажбурияти)

казу (каналларни тозалаш)

ички ва обхўра қазу (каналлар сув тозалағичини тозалаш)

хачи (ҳимоя дамбалари қуриш ва уларни мустаҳкамлашда қатнашиш мажбурияти)

отланув (хон овида қатнашиш учун лашкарликка келиш)

чопар

Бу жавоблардан аниқроғини ўқитувчи белгилайди. Нотўғри жавобларга эътибор ҳам бермайди. Шунинг учун бу методдан баҳолашда қўлланилмайди. Жавобларни аниқ ва тўғри маълумотлар билан хулосалайди.

“Муаммоли таълим” технологияга кўра қуйидаги вазифалар берилади.

1. Қўнғиротлар сулоласи қай тариқа ҳокимиятни қўлга олган?
2. Хива хонлигининг жаҳон тараққиётидан деярли узилиб қолганлигининг сабаби нимада эди?
3. Хива хонлигида ер эгалиги шаклларини қайд этинг.
4. Хонликдаги ер эгалиги Бухоро ва Қўқон хонлигидаги ер эгалигидан қайси жиҳатдан фарқ қилади?
5. Меҳнаткаш халқ оммаси бўйнига оғир сиртмоқ бўлиб тушган асосий солиқ ва мажбуриятларни дафтарингизга қайд этинг.
6. Самарқанд, Хива ва Бухоронинг 2500 йиллиги ЮНЕСКО қарори билан нишонланганлиги ниманинг эътибори деб ўйлайсиз?
7. Хива шаҳри тарихи ҳақида гапириб беринг.
8. Хива шаҳри ҳақида вақтли матбуот материалларини тўпланг.

Мухим саналар ва воқеаларни такрорлаш

- Хива Шайбонийларининг ҳукмронлиги 1511 йилдан 1770 йилгача давом этди;
- 1770 йилда Хива хонлигида ҳокимият амалда қўнғирот қабиласининг қўлига ўтди;

- Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилиши арафасида Хивада марказий ҳокимият амалда барҳам топган эди;
- Қўнғирот қабиласининг йўлбошчиси Муҳаммад Амин инок 1770-йилда ҳокимиятни эгаллади;
- Хива хонлигининг аҳолиси 800 000 нафарга яқин бўлиб, уларнинг 65 % ини ўзбеклар ташкил этган;
- Хонлик 15 та вилоятга бўлинган;
- Хонликдаги асосий солиқ салғут – ер солиғи ҳисобланган;
- Аҳоли бегар, қазу, ҳачи, отланув каби мажбуриятларни ўтаган.

Дарсни якунлаш. Уйга вазифа бериш. XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги мавзусини конспектини тайёрлаш. Дарслик асосида янги савол ва топшириқларни тайёрлаш. Ҳар бир режа асосида муҳим саналар ва воқеаларни дафтарга тушириш